



Куч-АДОЛАТДА

2011 йил,
29 декабрь,
пайшанба
№ 51 (357)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.supcourt.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЯРАТУВЧАНЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

эришаётган ютуқларимизнинг энг муҳим омилидир

Биз доимо орзиқиб кутаётган Янги йил байрами бу йил ҳам ўзгача шуқуқ ва завқ билан кириб келмоқда. Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқлари аллақачон байрам кайфиятига чулганган. Зеро, обод ва кўркам, осуда юртимизга байрамлар ярашади.

Айтиш керакки, ҳар доим янги йил арафасида ортга бир назар ташлаб, қилаётган ишларимизни бир сарҳисоб қилишга одатланганмиз.

Шу маънода якунига етаётган 2011 йил **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** деб эълон қилингани ва айти шу йўналишда кўламли ислохотлар амалга оширилгани барчамизни қувонтиради. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сийсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб улгурди.

Президентимиз таъкидлаганидек, **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам, мустақкам пойдеворида айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.**

Шу ўринда қайд этиш жоизки, **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** муносабати би-

лан қабул қилинган Давлат дастури асосида соҳага оид янги қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилингани уларнинг фаолият самарадорлиги ошишига улкан замин яратди. Шу асосда берилган янги имтиёз ва преференциялар, қулайликлар бу йўналишни янги босқичга кўтаришда муҳим амалий қадам бўлди. Жумладан, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхати олинган пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилди. Барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллини таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланди. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси жорий йилда 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, бу кўрсаткич келаётган 2012 йилда 5 фоизни ташкил этиши, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми иккинчи бетда)



Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олганлиги изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижаларида ҳам ўз тасвиғини топмоқда. Жумладан, ислохотлар жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий, давлат ва жамият қурилиши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасида муҳим ўзгаришлар ва янгилликлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида ушбу соҳаларга оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Munosabat

Инсон ҳуқуқлари — доимий ҳимояда такомиллаштирилаётган миллий қонунчилигимиз айти шу мақсадга хизмат қилади

Таъкидлаш керакки, якунланаётган 2011 йилда қонун ижодкорлиги фаолияти, аввало, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари

ни самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

(Давоми учинчи бетда)

Qaror va ijro

Азалий қадриятларнинг ҳуқуқий ифодаси

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдирномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан шу йил 5 декабрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”** ги қарорда халқимизга хос инсонпарварлик, кечиримлик ва баррикенглик каби тамойиллар ўзининг теран ифодасини топган. Зеро, билиб-билмай эҳтиётсизлик оқибатида жиноятга қўл урганни кечириб азалий қадриятларимиздангир.

Ҳозирги кунда мазкур қарор ижросини изчил таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутулаётган шахсларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга тегишли ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларни ўз ота-оналари ёки васийлик ор-

ганларининг назоратига топшириш, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлигини тиклаши учун зарур шароит яратиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Зеро, озод этилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишини таъминлаш уларнинг кейинги тақдирига ижобий таъсир кўрсатиши, ҳаётда тўғри йўл топшиларига ёрдам бериши шубҳасиз.

(Давоми учинчи бетда)

Фуқаролар манфаати тўлиқ муҳофаза этилмоқда

Ўтаётган йилда юртимизда бошқа соҳаларда бўлгани сингари суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳам изчиллик билан амалга оширилди. Бу фикрнинг исботини суд ҳимояси самарадорлиги янада ошгани ва суд амалиётида инсонпарварлик тамойиллари янада кучайтирилганида ҳам кўриш мумкин.

Маълумотларга қараганда, 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 257 мингга яқин фуқаролик ишлари, 1 миллион 220 мингдан ортиқ суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 424 миллиард сўмдан зиёд маблағларни ундириш белгиланди. Фуқаролик ишларининг 90,4 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,2 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди.

Уткир ХОЛОВ, Олий суд судьяси, «Дўстлик» ордени соҳибаси

E'tirof

Ўтаётган ҳар бир йил мамлакатимиз ижтимоий-сийсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўзига хос ёрқин из қолдирмоқда. Хусусан, тарихга кузатаётганимиз — 2011 йил ҳам мустақил Ўзбекистон учун яна бир поғона юксалиш йили бўлди десак, асло муболаға бўлмайд.

Ёруғ ниётлар ва нурафшон манзиллар

Айтиш керакки, **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** сифатида ҳаётимизда муҳим ўрин тутган ушбу йилда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар тадрижий равишда давом этгани, эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимизга жаҳон ҳамжамиятининг ҳавас ва ҳайрат билан боққани, турмушимиз тобора тўқин ва фаровон бўлиб борагани билан аҳамиятга моликдир.

Айниқса, ўтаётган йилимизда инсон омилига бўлган эътибор янада кучайгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор қонунларнинг қабул қилингани мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилиши шубҳасиз.

(Давоми иккинчи бетда)



Шухрат ДЕҲҚОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Эзгу мақсадлар йўлида

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида янги давлат ва янги жамият асослари яратилиши жараёнида Президентимизнинг ташаббуси билан муҳим бешта тамойил ҳаётга татбиқ этилди. Кейинчалик унв жамоатчилиги томонидан тараққиётнинг **«Ўзбек модели»** сифатида эътироф этилган машҳур беш тамойилдан бири, бу — қонун устуворлиги ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилидир.

Давлатимиз мустақиллиги йигирма йилдан ошган айти дамларда юқорида тилга олиб ўтилган беш тамойилга асосланиб амалга оширилган туб ислохотлар самараси хусусида фикр юритсак, қалбимизда фахр-ифтихор туйғуси уйғонади. Зеро, истиқлолнинг ўтган даврида давлатимиз, халқимиз асрларга татигулик бекиб муваффақиятларга эришди. Хусусан, қонун устувор-

лигини амалда таъминлаш борасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар туфайли инсон ҳақ-ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя этадиган суд ҳокимияти шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу тизим халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини қўриқлайдиган мустақил давлат институтига айланиб улгурди.

(Давоми учинчи бетда)



Гулнора МИРЗААЛИМОВА, Олий суд судьяси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси

Қонун устуворлиги — ютуқларимиз асоси

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Бу борадаги муваффақиятларимизнинг асосий омиллари — давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатни ривожлантиришнинг энг оқилона йўли танлангани, қонун устуворлигига эришилгани ва, энг муҳими, жамиятда инсон манфаатлари устун қўйилганлигидир.

Истиқлол йилларида ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилиши натижасида суд ҳокимияти



Нурмат АХМОНОВ, Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари

жамиятда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи яхлит тизим сифатида тўлиқ шаклланди.

(Давоми учинчи бетда)

Муваффақиятларга бой йил

2011 йил мамлакатимиз учун жуда муваффақиятли келгани, ҳамма жабҳада улкан ютуқлар кўлга киритилгани ҳар бир юртдошимиз қаторида мени ҳам қувонтиради. Зеро, она-Ватанимизнинг равнақи, тараққиёти ҳар биримизнинг ҳаётимизда бевоасита намоён бўлиши шубҳасиздир.



Меҳриддин РАҲМАТОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

(Давоми иккинчи бетда)

Etirof

Ёруф ниётлар ва нурафшон манзиллар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жорий йил Парламент ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар даври бўлди. Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га асосан бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг ҳаётга жорий этилиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада муносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Шу билан бирга, мазкур қонунга асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш каби ҳуқуқлар берилгани мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мутлақо янги босқичга кўтарилганидан далолатдир.

Умуман, бу йил Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни изчил равишда амалга ошириш, унда илгари сурилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарғиб этиш, тақлиф этилган бир қатор қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан изчил фаолият олиб борилди ва бу саъй-ҳаракатлар келгуси йилда ҳам самарали равишда давом эттирилади.

Ортада қолаётган йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига, очик демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга, мамлакатимизнинг замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъмин-

лашга, ҳаётимиз сифатини янада яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимизга хизмат қилувчи қирққа яқин муҳим қонунлар қабул қилинди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан кириб келаётган 2012 йил мамлакатимизда «Мустақкам оила йили» деб эълон қилинди. Ана шу устувор йўналишдан келиб чиқиб, келгуси йилда мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янги қабул қилинадиган қонунларда бугунги ва эртанги кун талабларини акс эттириш, амалдаги қонун ҳужжатларига эса, жамиятимизнинг мустақкам таянчи бўлган оилаларга янада кўпроқ ҳуқуқий кафолатларни яратиб беришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида депутатлар томонидан ишчанлик, ташаббускорлик ва фаолликни янада кучайтириш мақсадаги мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, буюк ва муқаддас Ватанимиз истиқлолининг 20 йиллиги муносиб ютуқ ва улкан муваффақиятлар билан нишонланган мазкур йил мустақил юртимиз тарихида ёрқин из қолдирмоқда. Зеро, биз бугун Ўзбекистонда тадрижий равишда олиб борилаётган, тараққиётнинг «Ўзбек модели»га асосланган ислохотлар туфайли изчил юқори ўсиш суръатлари, барча соҳаларда амалга оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар, бинобарин, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз, ўзимизга хос ва ўзимизга мос, ҳеч қачон ортга қайтмайдиган ривожланиш йўлимиз билан дунё жамоатчилигининг, эътибори ва эътирофига сазовор бўлдик.

Албатта, Президентимиз таъкидлаганидек, эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат куриши, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимишга қўйган юксак мақсадга қаратилган узок ва мураккаб йўлнинг бир қисми, ҳолос.

Шундай экан, остонамизда эшик қоқиб турган янги — 2012 йилда ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз янгича мазмун-моҳият касб этган ҳолда мунтазам давом этаверади.

Бизни буюк марраларга элтувчи янги йил барчамизга муваффақ бўлсин!

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу мuddат ривожланган давлатлардаги маъжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикмазшиқ юришга бутунлай барҳам берилиб, «битта дарча» тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун аини муддао бўлмоқда. Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмини ташкил этгани, зарур хомашё ресурсларини кўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. Жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, со-

Айюот

ЯРАТУВЧАНЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

эришаётган ютуқларимизнинг энг муҳим омилидир

ҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши ҳозирги вақтда 54 фоизни ташкил этаётгани ҳам тармоқнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нақадар муҳим ва салмоқли ўринга эга эканини кўрсатади.

Буларнинг барчаси, албатта, юртимизда аниқ мақсадлар сари қўйилаётган амалий қадамлар, йилларга ном бериш орқали маълум йўналишларни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан чора-тадбирлар туфайлидир. Шу маънода кириб келаётган янги 2012 йилга Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан «Мустақкам оила йили» деб ном берилгани жамиятнинг муҳим бўлини бўлган оилаларни мустақкамлаш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятимиз раванакни таъминлашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дас-турда оила институтини ривож-

лантириш ва такомиллаштириш бўйича янгидан қабул қилинади-ган қонун, қонда ва меъёрларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, ун-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъул-дир, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Муҳими, шу заминда яшаётган барча инсон бу масалаларга ўзини дахлдор ҳис этиб, унга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилса,



қўзлаган мақсадларимиз албатта, рўйга чиқади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, муштарийларимизни Янги йил байрами билан муबारакбод этамиз! Қал-

бингизда неки эзгу орзу-тилакларингиз бўлса, барчаси амалга ошин! Янги йилингиз кутлуг бўлсин!

Норгул АБДУРАИМОВА, журналист



Фуқаролар манфаати тўлиқ муҳофаза этилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугун иқтисодиёт ривожини тадбиркорлик соҳаси иштирокисиз тасаввур эта олмаймиз. Зотан, ушбу соҳа турмушимиздан кенг ўрин олди. Бунда, албатта, тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси тўлиқ таъминланаётганининг ҳам ўрни бор. Мисол учун ўтган йили тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда умумюрисдикция судлари томонидан ҳам кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2011 йилнинг 9 ойи давомида 149 нафар тадбиркор фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилган бўлса, шундан 144 нафар тадбиркорнинг даъвоси қаноатлантирилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида камтарона меҳнатларим давлатимиз томонидан юксак тақдирланди. Менга берилган «Дўстлик» ордени нафақат юксак мукофот, аини чоғда соҳамизга нисбатан юксак ишонч деб биламан. Табиийки, бундай рағбат ва эътибор менга янада шижоат билан фаолият кўрсатишга, бор куч-ғайратимни соҳа ривожини учун сарфлашга ундайди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни кириб келаётган 2012 йил «Мустақкам оила йили» билан табриклайман.

Ҳар томонлама етуқ ёшлар юртимизнинг эртанги кунини, тараққиётини белгилайдиган муҳим кучдир. Шу боис ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жисмоний ва маънавий етуқ ёш авлодини шакллантириш давлатимиз сийбасатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сийбасатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин далилидир. Қонунда белгиланганидек, **ёшларга оид сийбасат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорининг рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишдир.**

Ўтган йиллар давомида юртимизда ана шу мақсад йўлида амалга оширилган ишлар, эзгу саъй-ҳаракатларини санаб адоғига етиш мушкул. Баркамол авлодини тарбиялаш халқимиз учун истиқлол йилларида энг эзгу мақсад, умуммиллий вазифага айланди. Ёшларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни илм-фан ва касб-хунарга йўналтириш жараёнида юртимизда самарали тизим шакллантирилди.

Ҳозирги кунда билим олиш, ўқиш-

Ёшлар — эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи

зотан, мамлакатимизда бунинг учун барча шарт-шароит яратилган

ўрганиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар — замонавий жиҳозлар билан таъминланган шинам ўқув масканлари муҳайё. Ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқлари ёшлар хизматида.

Бундай шарт-шароитлар Тошкент Давлат юридик институтини талаб даражасида йўлга қўйилган. Институт мустақил тенгдоши бўлиб, 1991 йилда ташкил этилган. Ҳозирда институтда 498 нафар профессор-ўқитувчи ва ходим фаолият юритмоқда. Институтнинг илмий салоҳияти эса республикада энг олдинги ўринлардан бирида, деб эътироф этилган. Институтда фаолият юритаётган 30 нафар фан докторининг 1 нафари академик ва 20 нафари профессор, 118 нафар фан номзодларининг 74 нафари эса доцентлар.

Институт таркибида тўртта факультет фаолият юритади. Ўқиш жараёнлари тўлиқ техник воситалардан фойдаланган ҳолда, мультимедияли дастурлар асосида ўтилади. Бугунги кунда нусбуали олий ўқув юртларидан бири ҳисобланадиган бу даргоҳдан ҳар йили юзлаб малакали ҳуқуқшунос кадрлар халқ хизматида

йўлланма олади.

Поёнига етаётган 2011 йил ҳам институт учун сермазмун ва ютуқларга бой йил бўлди. Институтнинг илмий салоҳияти юқори бўлганлиги сабабли ҳам Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган «Балли ҳуқуқшунослар» республика кўрик танловининг мутлақ ғолиби бўлди. Ўқишда илғор, жамоат ишларида фаол ва ташаббускор бўлган ўнлаб иқтидорли талабалар ҳар йили давлат стипендияларига бўладиган танловларда иштирок этиб, Президент стипендианти ва Алишер Навоий номидаги стипендия соҳиблари бўлишмоқда. Шу кунгача жами 42 нафар талаба мазкур танлов ғолиблари бўлишди. Шулардан 10 нафари Президент стипендиаси, 32 нафари эса, Алишер Навоий номидаги стипендия соҳибларидир.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ўтказилаётган турли кўрик-танловларда ҳам институт талабаларининг фаоллиги қувонарлидир. Жорий йилда



Сардор РАҲМОНОВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси

институтнинг 2 нафар талабаси турли номинацияларда ғолиб бўлганлиги фикримиз исботидир.

Бир сўз билан айтганда, институтимиз эришаётган ютуқлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўйлайманки, келаётган Янги йилда уларнинг сони ва салмоғи янада ошади. Тилагим, бундай хайрли одимлар барчага, юртимизга, ватандошларимизга доимо хос бўлсин! Янги йилингиз кутлуг бўлсин!

Муваффақиятларга бой йил

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Узоқдан эмас, ўзим вакили бўлган санъат соҳасига дахлдор мисоллар келтирсам. Бой ва навқирон Самарқанд шаҳрида ташкил этилган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали дунё жамоатчилигининг, санъаткорлари, олим ва зиёлиларининг юртимизни, халқимизни яратган, яратаятган санъатни тан олганининг ёрқин исботидир. Ушбу фестивални бошдан-оёқ қизиқиб томоша қилар эканман, дунёнинг узок-узок худудларидан келган санъат усталарининг маҳоратидан бир завқлансам, юртдош санъаткорларимиз ижросидаги куй ва қўшиқлардан ўн бора кўп завқ олдим. Чунки бизнинг санъатимиз бетакдорлиги, ғўзаллиги билан ҳамиша жаҳон аҳлини лол қолдириб келган.

2011 йил мен учун ижоддаги ютуқлар билан ҳам эсда

қоларли йил бўлди. Кириб келаётган — 2012 йилга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Мустақкам оила йили» деб ном берилди. Президентимиз ташаббуси замирида халқимизни янада жипслаштирадиган, ягона эзгу мақсад сари ундайдиган гоя мужассам. Чунки ҳар биримиз оилага дахлдормиз. Оиламиз тинч ва мустақкам бўлса, жамиятимиз ҳам янада тараққий топади. Шу маънода барчамизни қувонтирган бу улкан эътибор, бекиёс ғамхўрлик аини чоғда ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклаши ҳам табиийдир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамюртларимизни кириб келаётган янги йил байрами билан чин юракдан муबारакбод этаман. Келгуси йилда ютуқ ва муваффақиятларимиз яна ҳам кўп ва залворли бўлишини истаб қоламан.

Бу ҳаётда қонун талабига таяниб фаолият юритган, адолат ва ҳалолликни ўз ишининг мезони деб билган киши ҳеч қачон кам бўлмайд. Чунки қонуний фаолият згуликка йўл очади, муваффақият ва ютуқларни таъминлайди. Акс ҳолда эса... Келинг, шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирайлик.

«UZ SAM TRANS» масъулияти чекланган жамияти 2004 йил 25 майда Ургут тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган. Масъулияти чекланган жамият таъсисчилари сафига ва таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилгани сабабли 2010 йил 23 июлда қайта рўйхатдан ўтказилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш, унинг турли хил маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, шунингдек, тадбиркорлик ортидан даромад топиш мақсадида ташкил этилган МЧЖ яқин кунларга қадар муваффақиятли фаолият юритиб келаётган эди. Бироқ кутилмаганда таъсисчилар ўртасига совуқчилик тушди.

Гап шундаки, МЧЖ устави-

нинг 1,2-бандида Ф.Солиев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ва Н.Абдиевалар жамиятнинг таъсисчилари ҳисобланиши, 5,1-бандида эса, жамиятнинг бошқарув органи жамият иштирокчилари умумий йиғилиши эканлиги қайд этилган.

Масъулияти чекланган жамият фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ҳар икки таъсисчиларнинг улуши қўшилиб, устав фонди ташкил этилган. Таъ-

сисчилардан Н.Абдиеваларнинг улуши 13,2 фоизни, Ф.Солиевнинг улуши эса 86,8 фоизни ташкил этади.

Давоғар Ф.Солиев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Н.Абдиевали таъсисчилар сафидан чиқаришни сураган ва бунга тегишли далиллар кўрсатган. Судда даъвогар даъво аризасида келтирилган далилларни қувватлаб кўрсатма берди. Жавобгар Н.Абдиева эса, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади. Шу боис суд Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддаси 3-қисмига асосланиб, ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Айтиш керакки, масъулияти чекланган жамият фаолияти умумий йиғилиш қарорига асосан амалга оширилиши керак.

Sabotq

Ҳамжиҳатлик

E'tirof
Эзгу мақсадлар йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
Мамлакатимизда қамоққа олишга санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилгани, ўлим жазосининг бекор қилингани, судларнинг ихтисослашгани, яъни жиноят ишлари бўйича ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилгани соҳанинг такомиллашуви ва самарадорлигини янада оширди. Эндиликда юртдошларимиз судларни ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида эътироф этишмоқда.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
Айниқса, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мамлакатимизда янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Хусусан, 2011 йил 13 апрелдаги "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, 2011 йил 7 сентябрдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, 2011 йил 13 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартirilганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланилиши белгиланган. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни судда қўриш ва ҳал этиш тартибига ҳам аниқлик киритишни, процессуал қонунчиликда ушбу тоифадаги ишларни судда қўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини белгилашни тақозо этади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йилнинг 16 мартда қабул қилинган, Сенатнинг 2011 йил 25 мартдаги V ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юретишга оид Ҳўжалик процессуал кодексига ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ҳўжалик процессуал кодексининг II бўлими "Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юретиш" деб номланган янги 203-боб билан тўлдирди. Таъкидлаш керакки, ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат судлар томонидан қонунда белгиланган аниқ процессуал тартиб-таомиллар асосида қўлланилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини янада кафолатлашга, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашга ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

2011 йилда қабул қилинган қонунлар ичида суд-ҳуқуқ соҳасига доир қонунлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 25 мартда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари-

Munosabat
Инсон ҳуқуқлари — доимий ҲИМОЯДА
такомиллаштирилаётган миллий қонунчилигимиз айни шу мақсадга хизмат қилади



ни олий кадрят эканлигини яна бир бор таъкидловчи қонунлардан бири ҳисобланади. Мазкур қонунни қабул қилишдан қўзғалган асосий мақсад — айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатини ҳисоблашни такомиллаштириш орқали уларнинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатлари таъминланишини кучайтириш ҳамда миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Олий Мажлис Сенатининг шу куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 37-моддаси биринчи қисмига фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ваколатлари доирасига берилган фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўришга ваколатли эканлиги ҳақидаги меъёр киритилди. Мазкур тахрир орқали фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ваколатларига берилган фуқаролик ишлари билан бир қаторда, эндиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам қўришга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

2011 йилнинг 26 — 27 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида жиноят ишлари юретиш чоғида қамоқда сақлашнинг қонуний асосла-

рини янада такомиллаштиришга қаратилган — "Жиноят ишлари юретиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят ишлари юретиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар маъқулланди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари олий кадрят эканлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимояси халқаро стандартлар даражасида қонунлар орқали янада мустаҳкамланаётганлигини кўрсатади.

Умуман айтганда, 2011 йилда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолияти янги босқичга кўтарилди. Энг асосийси, Парламент томонидан қабул қилинган ушбу қонунлар изчиллик билан амалга татбиқ этилиб, халқимиз манфаатига хизмат қилмоқда. Зеро, 2011 йил моҳият-эътибори билан ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қўриш йўлида собитлик билан олган интилаётган халқимиз учун ютуқ ва муваффақиятларга бой йил сифатида ёдда қолиши шубҳасиздир.

Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар доктори

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
Бу жараёнда суд ҳокимиятининг янги тизими — ҳўжалик судларининг ташкил этилиши, биринчидан, мамлакатимизда шакллантирилаётган бозор иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг муҳим ҳуқуқий зарурати, иккинчидан, барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг мустақил институти сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.
1991 йил 20 ноябрда «Ҳакамлик суди ва ҳўжалик низола-рини ҳал этиш тартиби тўғри-

тизимга кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Жумладан, 1996 йил 11 мингдан зиёд низоли иш қўриб чиқилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 293 мингдан ошди. 2011 йилнинг 11 ойида эса, қўриб чиқилган ишларнинг сони 265 мингга етди.
Яқини етаётган йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном олгани бевоқоси ана шу субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳўжалик судлари фаолиятини янада жонлантирди. Тадбиркорлик

E'tirof
Қонун устуворлиги — ютуқларимиз асоси

сида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун мулк шаклидан қатъий назар, ҳўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қодир бўлган мустақил суд органининг дастлабки ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилди. Кейинроқ бу судлар ҳўжалик судлари деб ном олди ва уларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланди.

Бу йил ҳўжалик судлари фаолияти 20 йил тўлди. Утган давр мобайнида ҳўжалик судлари ишловлар руҳига мос равишда тубдан такомиллашди.
Энг муҳими, фуқаролар, ҳўжалик юритувчи субъектлар вакилларининг судларга бўлган ишончи тобора ортиб, улар ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб, бу

субъектларини нафақат суд орқали ҳимоя қилиш, балки уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий билим ва малакасини оширишга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилди. Жорий йилда соҳа вакиллари манфаатларини қўзғаб, қўриб чиқилган ишлар сони 27 мингтадан ошиб, тадбиркорлар фойдасига ундирилган маблағлар миқдори 213 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди.

Бу борадаги ишларимиз, албатта, қириб келаётган 2012 йилда ҳам изчил давом эттирилади. Зеро, тадбиркорлик — жамият тараққиёти, халқимиз фаровонлигининг муҳим омилidir. Фуқароларнинг фойдаланиб, барча юртдошларимизни янги йил байрами билан қутлайман. Келаётган йил мамлакатимиз, халқимиз учун, оилаларимиз учун кут-баракали бўлсин!

Muloqot
— Айтинг-чи, лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
Д.ТУРДИЕВ,
Тайлоқ тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- лизинг олувчининг лизинг объектдан қандай шартларда фойдаланаётганини ва уни белгиланган мақсадга мувофиқ ишлатаётганини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;
- лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;
- қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш;
- лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарини ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш.
Агар лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тўзатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини тақлиф этишга ҳақли. Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фойзи билан олиши мумкин.
Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тўлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарини ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саволга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Ishlot va samara
Кечиримлилиқ ва бағрикенглиқ тамойиллари
тўғри йўлга тушиш имкониятини бериши билан улкан аҳамиятга эга

Бу ҳаётда нафс васвасасига бўйин эгган кимса унинг чангалдан осонликча қутула олмайдۇ.
Қонунни писанд этмаслик, бировнинг ҳақини ўмарш каби қинғир ишларнинг қийин чиқиши шубҳасиз. Ана шундай палада айб ошкор бўлган кимса афсус-нағомат чекиши аниқ.

Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимояси устувор аҳамият касб этади. Хусусан, Конституцияимизнинг 44-моддасида ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ-эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишга ҳақли


Qaror va ijro

Азалий қадриятларнинг ҳуқуқий ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили устувор эканлигини яна бир далилидир, — дейди жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди судьяси Дилшод Иззатов. — Азалдан билмай хато қилганини ёки қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириб, уларга яна имкон бериш халқимизга хос бағрикенглик ифодасидир. Амнистия акти замирида ҳам шундай буюк инсонпарварлик муассамдир. Бундай имконият жиноят кўчасига қириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади. Амнистиянинг суд томонидан қўлланилаётгани инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмининг янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган. Билиб-билмай жиноят кўчасига қириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етди. Бойси улар учун оила ва фарзандидан айри яшашдан қўра, оғирроқ



жазо йўқ.

— Содир этган жиноий қилмишим туфайли беш йилга озодликдан маҳрум этилган эдим, — дейди кўкониқ Муборак Фаниева. — Давлатимиз раҳбарининг мен каби адашганларга гамжўрлик кўрса-

тиб, айбимизни авф этганлари учун тўрт ой деганда, озодликка чиқяпман. Оилам, фарзандларимдан айро ўтган кунларимда дунёдаги ҳар қандай мол-мулк, ҳою ҳавас яқинлардан азиз бўла олмаслигини чуқур англадим. Аслида аёл нафақат

Н.АБДУРАИМОВА

— ривожланиш гарови

ўзбошимчалиқ эса, ақилликка путур етказди

Бироқ жавобгар ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини устивда кўрсатилгандек адо этмаган. Аксинча, у жамиятнинг ҳужжатлари, муҳр ва тамғасини олиб қўйган. Жамият иштирокчиларининг розилигини олмасдан ўзича иш олиб борган.

Табииyki, жавобгарнинг

ўзбошимчалиги жамият фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. 2011 йил апрел ойида жамиятнинг фаолияти бутунлай тўхтаб қолган. Н.Абдиеванинг қонунга хилоф ҳаракатлари шу йилнинг 25 апрель ва 28 октябрдаги жамият ҳодимлари томонидан тузилган да-лолатномалар билан расмий-

лаштирилган.
Хўш, бундай вазиятда МЧЖда ишни ўз измига солиш учун қонунда нималар назарда тутилган?
Маълумки, амалдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида жами уллуши жамият устивда фонднинг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бу-

заётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчилар жамиятнинг талаб қилишга ҳақли эканлиги қайд этилган. Қонуннинг ушбу талаби жамият устивининг 17,2-бандида ҳам белгилаб қўйилган.
Суд қонуннинг юқоридаги талабларига таянди. Давьогар Ф.Солиевнинг даъво талабини

қаноатлантирди. Суд жавобгар зиммасидаги мажбуриятларини қўпол тарзда бузаётганлиги, ўз ҳаракатлари билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги, жамият фаолиятини жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги, ҳужжатлар, муҳр ва тамғаларни ўзбошимчалиқ билан олиб кетганлиги боис Н.Абдиевани «UZ SAM TRANS» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.
Ҳа, қонун талаби қатъий. У ўзбошимчалиқни кечирмайди.
Давлат БОБОНОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси

эканлиги ҳақидаги меъёр белгиланган. Шу жумладан, фуқаролар суд ҳукми, ажрим ва қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибидида шикоят бериш ҳуқуқига ҳам эга.
Айтиш керакки, истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта ўрин тутди.
(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

DOHOLAR DEVIDILARPKI

Ўз фарзандингни яхши хулқ-оғобли ва ақли бўлишга ўргат.

Ил билан амалиёт туз билан таомга ўхшайди.

Эс-хушинг бўлса, билим олишга интил, чунки оқил одамнинг билимдон бўлиши ҳамма вақт хайрлидир.

Ўзингда ҳасад ҳиссини кўзғатмагил, зеро, кейин ундан халос бўлишигиз амримаҳолдир.

Сахйлик — бу бирор нарсага бошқа кишига ҳеч қандай ёмонликни ният қилмай ва таъмағирликни ўйламай ҳамда шу нарсага қайтарилишига умид қолмай тўхта қилишдир.

2012 йил — «Mustahkam oila yili»

Меҳр-муҳаббат сарчашмаси

Гўзал анъана ва қадриятларни асл ҳолида бағрида авайлаб-асраб авлоддан-авлодга етказиб келаётган бир ҳазина борки, бу барчамиз учун муътабар бўлган оиладир.

Дарҳақиқат, қайси томондан қарамайлик, қандай таърифламайлик, оила аталмиш масканнинг меҳр-муҳаббат сарчашмаси эканига эмин бўлаверамиз.

Президентимизнинг 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» дея ном бериши замирида ҳам ана шундай теран маъно-мазмун муҳассамдир.

Аслида оилага эътибор юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошланган.

Сахйлик — бу бирор нарсага бошқа кишига ҳеч қандай ёмонликни ният қилмай ва таъмағирликни ўйламай ҳамда шу нарсага қайтарилишига умид қолмай тўхта қилишдир.

Биз буларнинг ёшида пул нима, қаердан келадими билмасдик.

Бундай эътирофни ҳар қадамда ота-оналардан, ёши улуг кишилардан эшитиш мумкин.



Президентимиз Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантагани ййғилишда таъкидлаганидек, бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайди демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт куриш мақсадида яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Аслида ҳаётда кўлидан умуман иш қилмайдиган одам бўлмайди.

Бу — бежиз эмас. Чунки Аёл саломат бўлса, ўз ҳаётида рози бўлса, унинг ҳеч қандай табасуум оила муҳитида, жамиятда акс этади.

Ятларини яратиш келаётган йилмизнинг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлади, албатта.

«...Оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чарғобони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш...»

Давлатимиз раҳбари оила мустаҳкамлигининг яна бир риштасини айнан шу нуқтада — аёлнинг оғирини енгил қилишда кўради.

Бу — бежиз эмас. Чунки Аёл саломат бўлса, ўз ҳаётида рози бўлса, унинг ҳеч қандай табасуум оила муҳитида, жамиятда акс этади.

Хотиржам аёлнинг фарзандлари тарбияли бўлади, ўчоги ўтли, дастурхони кутли бўлади.

Вақт — югурик. Тақвимдаги кунлар дарахт япроқларидек бир-бир учмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» да ютуқ ва марраларимиз ҳам янги босқичга кўтарилиши шубҳасиздир.

Қутлибека РАХИМБЕКОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Sirli olam

Хотира фаройиботлари

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, бир эмас, бир неча тилда бемалол, худди ўз она тилидаги каби эркин суҳбатлаша олади.

«Тил билганга — дунё кенг», дейди халқимиз. Бу мақолнинг исботини буюк аждодларимиз ҳаётида ҳам кўриш мумкин.

Хўш, аслида ўзга тилни ўзлаштириш учун нималарга эътибор бериш керак?

«Мустаҳкам оила йили» да ютуқ ва марраларимиз ҳам янги босқичга кўтарилиши шубҳасиздир.

Тўғриси айтганда, ёшлигида унинг хотираси суст бўлган.

У ўзи ишлаб чиққан ва мутлақо галати бир усул бўйича бор-йўғи икки ярим йил ичида инглиз, француз, голланд, испан, португал ва италия тилларини ўрганиб олади.

22 ёшли Шлиман 1844 йили Амстердамда яшаб турган пайтида Россия билан савдо алоқаларига эга бўлган бир фирмага ишга жойлашди ва рус тилини ўрганишга киришади.

Шлиман «Телемак...»нинг русчага нўноқ таржимасини бошдан-оёқ ёдлаб олиб, баланд овозда декламация қилади.

Рус тилини ўрганишга қаттиқ аҳд қилган Шлиман ёшлигида бўлиб ўтган бир воқеани эслайди.

достонлари ҳақида эшитганларини ҳам унутиб юборганди.

Мана энди, 22 ёшида шу воқеа ёдига тушди, чоғи, Шлиман ўзининг декламацияларини ҳам эшитиш учун тингловчи керак, деган қарорга келди.

Шундан сўнг Фаластин, Сурия ва Греция бўйлаб саёҳат қилиб юрганда у лотин ва араб тилларини ўрганди.

Тўғриси айтганда, ёшлигида унинг хотираси суст бўлган.

Бирок ҳар доим ҳам тил билувчилар қадр топган деб бўлмайди.

Айни вақтда унлаб тилларни ўрганишга муваффақ бўлган кўпгина одамлар ҳам маълум.

Германиялик профессор Геестерман 132 та тилни биларди.

Хозирги даврда тил ўрганиш учун Шлиманга ўхшаб машаққат тортишга ҳеч бир ҳожат йўқ.

(Давоми келгуси сонда)

Т. КАМОНОВ, кимё фанлари номзоди

Maslahat

Ҳуқуқий даъво нима?

Аввало шуни айтиш керакки, даъво деганда, ҳуқуқ ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида судга ёки бошқа ваколатли ташкилотга мурожаат этиш тушунилади.

Даъвогарнинг қандай мақсадни кўзлашиши, нима тўғрисида қарор чиқарилиши суддан илтимос қилишига қараб даъволар икки турга — ундириш (олиб бериш) ва тан олиш тўғрисидаги даъволарга бўлинади.

Ундириш тўғрисидаги даъволарда даъвогар, биринчидан, муайян ҳуқуқни олишга ҳақли бўлишини белгилашни, чунончи, мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини олишга, тураржойдан фойдаланишга, воёга етмаган болани ўз тарбиясига олишга ҳақли бўлишини, иккинчидан, жавобгарнинг муайян ҳаракатларини қилиши, масалан, даъвогарга низоли мулкни топшириш, тураржойни бўшатиб бериш, болани тарбиялаш учун топшириш лозимлиги тўғрисида суд қарорининг чиқарилишини илтимос қилади.

Агар суднинг қарори жавобгар томонидан икхтиёрий равишда бажарилмаса, қарор белгиланган тартибда ижро этиш учун топширилади. Шу тўғрисида бундай даъво ижро этиладиган даъво деб ҳам аталади.

Бундан ташқари эътироф этиш, тан олиш тўғрисидаги даъволарда даъвогар фақат низоли ҳуқуқнинг ўзига тегишли бўлишини тан олиши, низоли ҳуқуқий муносабатнинг мавжуд бўлгани ёки бўлмаганлигини илтимос қилади.

Муқаддам АБДУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

(Давоми. Бошланғич учинчи бетда)

Жумладан, қонунчиликда акс этган бағрикенглик тамойиллари инсон манфаатлари ҳимоясини тўлиқ таъминлашда муҳим омили бўлаётган. Зотан, либераллаштирилаётган қонунчилик ўз айбларини тушунган, қилмишига пушаймон бўлган, хато йўлдан қайтишни ихтиёр этган фуқароларга енгиллик беришни ҳам назарда тутаети.

Шу ўринда бевосита мисолларга тўхталадиган бўлсак, Саидқабар Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўзгаларнинг қўлга киритиши илҳинида 2007 йилнинг ноябрида Х. Ҳамидованинг хонадонига келиб, унга «Ласетти» русумли автомобилни арзонроқ нархга олиб беришни ваъда қилади.

С. Жўраев 2009 йилнинг март ойида бошқа шахс билан жиноий тил бириктириб, Л. Махмудовани ҳам «чув» туширмоқчи бўлади.

Шу билан ҳам чекланмаган С. Жўраев яна турли баҳоналар қўлиб, Л. Махмудованинг 20 400 000 сўмини ҳам олади-да, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

С. Жўраевнинг қилмишлари баёнини яна давом эттириш мумкин.

Islohot va samara

Кечиримлик ва бағрикенглик тамойиллари

тўғри йўлга тушиш имкониятини бериши билан улкан аҳамиятга эга



«а» банди, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган жазога биринчи ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиши йўли билан С. Жўраев 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Прокурор томонидан билдирилган кассация протести ҳамда адвокатнинг кассация шикоятига жабрланувчиларга ўтказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли суд ҳукмини ўзгартириш ва С. Жўраевга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳазо тайинлаш сўралган.

Кассация инстанцияси томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми ҳамда Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги қарори тушунтиришларига асосан, С. Жўраевга Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддасига бир-бирига жазо тайинланди.

нинг қамоқда бўлган кунлари чегириб ташланди ва ўташ учун 1 йилу 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилди ҳамда унга нисбатан ўзгартirilган эҳтиёт чораси қўлланганилиги, қамоқдан озод этилди.

Килар ишни қилди, сўнг пушаймон бўлганлардан яна бири Камол Тоғаевдир.

эвазига катта қимдорда «хизмат хақи» сўраган...

Апелляция инстанцияси суди давомида судланувчининг қариндошлари томонидан барча зарарлар қопланган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 9-бандига кўра, Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади.

Апелляция инстанцияси юқоридаги тушунтиришларга риоя этиб, К. Тоғаевга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, 2 йил синов муддати белгилади.

Адашганларга тўғри йўл кўрсатиш, хатоларини тузатишга имкон бериш азал-азалдан халқимизга хос фазилатлардан бири бўлиб келган.

Баҳром ТАШПУЛТОВ, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси Холида ШОДИЕВА, журналист

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ

- Бўритош МУСТАФОЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАҲАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚОЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЙУНОВА, Юлчибой ТУРСУНБЕКОВ, Шоюнбоз ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

- Отабек САҒАРОВ, Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясини босмаҳонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Кодирий кўчаси, 1. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Tel.: 239-02-54, 241-01-56. Буюртма: Г-1216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5527. 1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20° Топширилди: 22°